



ЯНГИ МАССИВЛАР ҚУРИШ ВА ҲУДУДЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 ноябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу икки масала ҳам Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида белгиланган муҳим вазифалардан. Халқ билан учрашувларда давлатимиз раҳбари инсон қадрини улуғлаш, муносиб турмуш шароитлари яратиш асосий мақсад бўлишини айтган эди. Буларнинг бош омили эса, аввало, уйли бўлиш, обод ва файзли яшашдир.

Сўнги йилларда юртимизда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Бу ундан олдинги йилларга қараганда 10 мартадан ҳам кўп.

Шу билан бирга, бу ишларни давом эттириш зарур. Мамлакатимизда ҳар йили 300 мингга яқин никоҳлар қайд этилмоқда. Келгуси беш йилда аҳоли сони 38 миллионга етиши кутилмоқда.

Уйлар қурилиши кўлами шунга мувофиқ кенгайтириб борилади. Ҳар бир ҳудудда барпо этиладиган "Янги Ўзбекистон" массивлари бунда муҳим ўрин тутadi. Келгуси беш йилда уларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланади. Йиғилишда шу борадаги бунёдкорлик ишларининг ташкилий, молиявий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президентимиз "Янги Ўзбекистон" массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилиши кераклигини таъкидлади. Яъни, ҳар бир массивда санат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилади. У ерда одамлар ҳам уйли, ҳам ишли бўлади. Келгуси йили Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 40 та шундай замонавий мавзе барпо этиш мўлжалланган.

— Бағдод туманидаги янги массивни кўрдингиз. Лойиҳа тайёр, энди тажриба ҳам бор. Фақат шу лойиҳани ҳар бир ҳудудга мослаштириш керак. Очиқ танлов ўтказиш жуда муҳим. Очиқлик, ҳалоллик бўлса, сифат бўлади, халқ олдида юзингиз ёруғ бўлади, — деди Президент мутаасаддиларга.

Қурилиш вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга ҳар бир ҳудудда ер майдонларини аниқлаб, уларнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

"Янги Ўзбекистон" массивлари қуриш учун келгуси йилда 15 триллион сўм ажратилиши белгиланди. Бу маблағ ипотека кредити бериш учун банкларга йўналтирилади. Қурилиш инвесторлар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, бошланғич бадал ва фойзалар бўйича субсидия бериш муҳимлигини таъкидлади.

Келгуси йили янги массивларда қуриладиган уйларнинг мингтаси эҳтиёжманд оилалар ва ёлғиз аёллар учун давлат томонидан сотиб олинади. Бунинг учун қурилиш ташкилотларига 220 миллиард сўм олдиндан ўтказиб берилади.

Бугунги кунда уйларнинг бир квадрат метри нархи ўртача 4 миллион 500 минг сўмни ташкил этмоқда. Йиғилишда янги массивлардаги нархни шу миқдорда сақлаб қолиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда янги массивларни ички ва ташқи инфратузилма билан таъминлашга бюджетдан ҳар йили 1 триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Келгуси йилдан цемент ишлаб чиқарувчилардан фойда солиғи 20 фоиздан 15 фоизгача, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ 2 бараварга камайтирилмоқда. Шунингдек, цемент импорти учун имтиёзлар мuddати яна бир йилга узайтирилади. Булар ҳам уйлар нархи сезиларли тушишига сабаб бўлади.

Йиғилишда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилди. Бу лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилган.

— Шунча йилларда "қоғозда" экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бўш жой қолмаслиги керак эди. Тизим, қаров бўлмагани учун экилганининг ҳам кўпи қуриб кетди. Бугунги ва келгусидаги экологик вазиятни инобатга олиб, дарахт экишни давлат сиёсати даражасига кўтараямиз. Шунинг учун бу умуммиллий лойиҳани пухта тайёргарлик билан, пули, эгаси,

сўғориш тизими билан амалга ошириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, биринчи навбатда, мавжуд ва янги-дан барпо этиладиган яшил майдонларга туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан масъул белгиланадиган бўлди. Улар дарахтларни парваришlash билан бирга, ушбу ҳудудни обод сақлашга ҳам жавоб беради.

Ободонлаштириш бўлиmlари махсус техника билан таъминланади, зарур жойларда сўғориш тармоқлари барпо этилади. Экология, дарахт экиш ва парваришlash масалаларига ҳокимларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари масъул бўлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу савобли ишда ҳар бир ташкилот, ҳар бир фуқаро ўз ўрнини топиши кераклигини таъкидлади.

Кўп қаватли уйларга туташ ҳудудлар уй-жой мулкдорларига яшил майдонлар барпо этиш учун бириктирилади ва у ерда қурилиш қилишга рухсат берилмайди. Муассасалар ҳовлиси, маҳаллалар, йўл ва дала четларига дарахтлар экилади.

Йиғилишда 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича "допзарб 40 кунлик" эълон қилинди.

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасига ҳокимлар билан бирга ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитига мос кўчатларни кўпайтириш ва етказиб бериш вазифаси қўйилди. Бунинг учун, кўмита ҳузурида "Яшил ҳудуд" унитар корхонаси ва ҳар бир вилоятда унинг филиаллари ташкил этиладиган бўлди.

Соҳадаги ишларда Экология кўмитасининг ўрни таъкидланиб, унинг тузилмаси, ваколат ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда сўғориш тизимини янгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳокимларга ирригация тармоқлари қуриш, қудуқлар қаздириш ва томчилатиб сўғориш тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Кўчатчиликни ривожлантириш, кам сув талаб қиладиган дарахт навларини кўпайтириш чоралари ҳам белгиланди.

ЎЗА

Охирги беш йилда қандай-қандай синовларни бошимиздан ўтказдик. Биз бу синовларда тобландик. Бир-биримизга меҳримиз ошди. Жипслашдик. Халқимиз бирлашса, нималарга қодирлигини бутун дунё яна бир марта кўрди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНОСАБАТ

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЭЪТИРОФИ: ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Жорий йилнинг 24 октябрида халқаро сайлов стандартларига мос тарзда қонуний ва ҳаққоний бўлиб ўтган Президент сайлови, том маънода, мамлакатимизнинг ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлаб берди. Буни сайлов жараёнини ҳолис кузатиб борган халқаро кузатувчилар томонидан берилган юксак баҳолар ва ижобий фикрлар мисолида кўриш мумкин.

Маълумки, сайловни жами 971 нафар, жумладан, 45 давлатдан 631 халқаро кузатувчи ҳамда 18 халқаро ташкилот вакиллари кузатиб борди. Қиёслаш тарзида айтиш керакки, 2015 йилда бўлиб ўтган Президент сайловида чет эллик 296 кузатувчи қатнашган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилги Президент сайловида 555 нафарни ташкил этган эди. Рақамлар ҳам яққол кўрсатиб турибдики, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва сиёсий жараёнларга дунё ҳамжамияти катта қизиқиш билан қараяпти.

Президент сайловидаги халқаро кузатувчилар миссиясида жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотлари, хусусан, Европада хавф-

сизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси (ЕХХТ ПА), ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) миссиялари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ), МДХ Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПА) ва Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеясида вакиллар қатнашди.

Шунингдек, сайловда АҚШ, Сингапур, Туркия, Япония, Чехия, Қувайт, Россия ва Озарбайжон каби давлатлар вакиллари ҳам кузатувчи сифатида фаолият юритди.

► Давоми 2-бетда

ХАЛҚ ҚАБУЛҲОНАЛАРИ

ДУНЁДА ҚИЁСИ ЙЎҚ ТУЗИЛМА

Ўзбекистоннинг бугунги кунда дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, тобора юқори мавқега эга бўлиб бораётгани юртдошларимизда фахр, افتихор туйғусини уйғотади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва бугунги кунда элимиз қалбидан чуқур жой олган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узок келажақда эмас, айнан бугун кўриши керак" деган эзгу ғоялар мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган тўб ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

► Давоми 4-бетда

ИЛМ-ФАН

БИЛИМЛИ ЁШЛАР — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ

Давлатимиз раҳбари дастлабки президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ мамлакатимизда замон талабларига мос кадрлар камёблигини, деярли барча соҳада ижодий фикрлайдиган, илгор техника ва технологияларни ўзлаштирган ёш мутахассисларга эҳтиёж юқори эканини таъкидлаб келмоқда.

► Давоми 5-бетда



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



СЎХДА ЯНГИ ҲАЁТ ШУКУҲИ

Гўзал Фарғона марвариди — Сўх туманининг майдони 220,7 квадрат километр, аҳолиси 80 мингдан ортиқ.

У дунёдаги энг катта эксклав ҳудуд ҳисобланади. Кўхна Сўхда бўлган киши унинг зиллол булоқлари, жўшқин сойлари, кўкка талпинган арчалари, бетакрор табиатидан, самимий ва танги одамларининг дилкаш суҳбати, касб-кори, илму маърифатга бўлган меҳридан унутилмас таассурот олади. Аслида кейинги пайтда Сўх туманида амалга оширилаётган ислохотлар шиддати тоғлиқлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборди.

ЭЗГУ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида йиллар давомида ечимни кутиб турган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маиший соҳалардаги кўплаб муаммоларга ечим топилди. Хусусан, иқтисодиётда эркин бозор ме-

ханизмларининг жорий этилиши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш борасида қўрилган амалий чоралар натижасида туман иқтисодиёти қарийб икки баробар ўсди, кичик бизнес субъектлари сони 5 ҳисса кўпайиб, 1014 тага етди.

— Бундан бир йил олдин аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси бор-йўғи 20 фоизни ташкил этар эди, — дейди туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев.

— Қарор ижроси доирасида олиб борилган ишлар натижасида ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 66 фоизга етди, 16 мингдан ортиқ аҳоли илк бор тоза обиҳаёт билан таъминланди. Шунингдек, 152 километр йўл, 162 километр электр узатиш ва 20 километр газ тармоқлари тортилди. "Обод кишлок" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида Ровон, Истиқлол, Қалъа, Сўх, Ғазнов, Ҳушёр, Мулгон, Шарқобод ва Офтобру маҳалла фуқаро йиғинларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, олис қишлоқларнинг меъморий қиёфаси ўзгарди, аҳолига кундалик ҳаётда керакли бўлган шароитлар яратилди. Туманда асфальт ётқизилмаган, ичимлик суви тармоғи тортилмаган маҳалла қолмади. Риштон — Сўх йўлининг Қирғизистондан ўтган қисмини асфальтлаш учун ҳам маблағ ажратилди.

► Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЭЪТИРОФИ: ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси хузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари
институт директори, юридик
фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий кузатувчиларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этди

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий кузатувчиларнинг иштироки ўзига хос жиҳатлари билан алоҳида аҳамият касб этди.

Биринчи жиҳат — ўзаро ижобий ва халқаро тажрибалар алмашинуви учун янги имкониятлар яратилди.

Сайлов нафақат сиёсий жараён сифатида, балки самарали ва манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу жараён халқаро кузатувчиларнинг ўз тажрибалари асосида маҳаллий кузатувчиларга сайловларни самарали ташкил этиш борасидаги аниқ ва фойдали маълумотларни тақдим этиши учун ҳам имконият яратиб берди.

Хусусан, сайлов кампанияси даврида ЕХХТ миссияси ва Европа Парламентининг узок ва қисқа муддатли халқаро кузатувчилар миссияси 1267 та сайлов участкасига таширф буюриб, ташкилий жараёнлар билан бевосита танишди, маҳаллий кузатувчилар томонидан уларга сайлов қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар берилиб, ўзаро тажрибалар алмашилди.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, шунингдек, бошқа қатор вазирлик, идоралар, олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ОАВ вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, нафақат сайлов жараёнларини кузатиш, балки ҳамкасблари билан истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар алмашди.

ТАЪЛИМ

ТЕРМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ



Сурхон воҳасида Президент мактаби очилди. Термиз шаҳрининг қоқ марказида қад ростлаган муҳташам таълим муассасаси 168 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ўқувчиларнинг фан сирларини пухта эгаллашлари учун барча қўлайлик яратилган. Синфхоналар энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Юқори тезликка эга интернет тармоғига уланган.

Салобатли таълим муассасасидаги спорт ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган заллар, ошхона, ётоқхона каби қўшимча бинолар ҳам юксак дид билан жиҳозланган.

Вилоятда бунёд этилган янги таълим муассасасига ўқишга кириш учун жорий йилда ўтказилган илк тест синовларига 9 676 нафар иқтидорли ўқувчи ҳужжат топширди. Ёки бир ўринга ўртача 67,7 нафардан талабгор тўғри келди. Уларнинг энг юқори балл тўплаган 144 нафари ўқишга қабул қилинди.

— Ўғлим Дилшоджон Эргашев ахборот технологияларида жуда қизиқади, — дейди термизлик Т. Ибрагимов. — Шунингдек, бошқа фанлар билан бирга, инглиз тилини ҳам чуқур ўрганмоқда. У ҳам Президент мактабида ўқиш истagini билдириб, ҳужжат топширган эди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, шу мактабнинг илк ўқувчилари сафидан ўрин олди. Гапнинг очиги, янги таълим муассасасида фарзандларимиз учун яратилган шароитларни кўриб бошимиз осмонга етди. Уларнинг бахту иқболи ва мамлакатимиз

намоиш қилиб борилгани сайловларда барча демократия тамойиллари асосида ошқораликни таъминлаб берди.

Келтириб ўтиш ўринлики, бу йилги Президент сайловида номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайлов дастури акс этган 847 минг 370 дона ташвиқот плакати ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида ҳамда илк маротаба тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида чоп этилиб, сайловчилар эътиборига ҳавола этилди. Номзодлар ҳақидаги маълумотлар мамлакат бўйлаб ўрнатилган 421 та электрон мониторинг мунтазам намойиш қилинди.

Учинчи жиҳат — халқаро кузатувчиларга мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар ва янгилашларнинг бевосита гувоҳи бўлиш имконияти яратилди.

Бўлиб ўтган сайлов натижалари сўнгги йиллардаги демократик ислохотларнинг натижаси экани



“ДИИХБ кузатувчилари округ сайлов комиссиялари очик тарзда ишлаётгани, тўлиқ жиҳозлангани ва ходимлар билан таъминланганини, шунингдек, сайлов участкаларини сайлов кунидан анча олдин сайловга тайёр эканини алоҳида таъкидлаб, бу борада Ўзбекистонда ўзига хос тажриба мактаби яратилганини алоҳида қайд этди.

хорижий кузатувчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. **ЕХХТнинг махсус координатори Рейнхольд Лопатка** Ўзбекистондаги сайлов жараёнининг яхшиланганлигини қайд этиб, **“Сизлар тўғри йўлсизлар, лекин бу охириги қадам эмас, навбатдаги қадамларни ҳам қўйиш керак”,** — дея ишонч билдирди.

Президент сайловини нафақат халқаро ташкилотлар, балки дунёнинг қатор ривожланган мамлакатлари, хусусан, АҚШ ҳукумати ҳам қатта эътибор билан кузатибди. **АҚШ Давлат департаменти матбуот котиби Нед Прайс** матбуотга берган баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига тўхталиб, Қўшма Штатлар жорий йил 24 октябрда бўлиб ўтган Президент сайловида Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ҳуқуқидан фойдаланганини қўллаб-қувватлашини билдирди. АҚШ Давлат департаменти ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг овоз бериш жараёни тинч муҳитда ўтгани ва сайловчиларнинг юқори фаоллиги билан ажралиб тургани ҳақидаги эътирофларига қўшилишини, Қўшма Штатлар Ўзбекистон ҳукумати ва ЕХХТ ДИИХБ миссияси ўртасидаги ҳамкорлик яхшиланганини олқишлашини ҳамда ЕХХТ тавсияларининг келгуси сайловларда, шунингдек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни илгари суришда ҳам давом этишига қатта ишонч билдиришини алоҳида таъкидлаб ўтди. **“Биз Ўзбекистон ҳукумати билан икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга эга ушбу ва бошқа кўплаб масалалар бўйича ҳамкорликни давом эттириш тарафдоримиз”,** — дейилади АҚШ Давлат департаменти баёнотида.

Тўртинчи жиҳат — халқаро кузатувчиларнинг миллий кузатувчилар билан ўзаро ҳамкорлиги янгилаш форматга кўчди. Чунончи, маҳаллий кузатувчиларнинг халқаро кузатувчилар билан ўзаро ҳамкорлиги сайлов соҳасидаги стандартларни ўрганиш ва маҳаллий сайловларда қўллаш имконини берди. **ДИИХБнинг Сайловни кузатиш миссияси раҳбари Оуэн Мёрфи** ҳали қилинадиган ишлар

борлигига қарамасдан, ўтказилаётган ислохотлар келгусида кўплаб яхши натижалар беришига ишонч билдирди. Шунингдек, у сўнгги пайтларда ОАВ ва Интернет муҳитида анча ижобий ўзгаришлар кузатилаганига эътибор қаратди ва бу борада доимий ҳамкорлик масаласига тўхтади.

ЕХХТ ПА раиси Маргарета Седерфельт сайлов жараёнлари юқори савияда ташкил этилгани, бу аҳолининг сиёсий маданияти юксалиб бораётганидан далолат экани, илк бор овоз бераётган ёшларнинг фаоллиги кузатилагани ҳақида маълумотлар берди. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган сайловчиларга яратилган шароитлар қўламини алоҳида қайд этди.

Уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказилган сайловнинг аянқлари юксак баҳоланди

Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, **ЕХХТ ДИИХБ ЗБМнинг жорий йил 24 октябрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари ва хулосалари тўғрисидаги дастлабки Баёнотида қуйидаги муҳим ижобий ўзгаришлар қайд этилди:**

— охириги йилларда сайловга оид қонунчиликда жиддий ислохотлар олиб борилганлиги ва қабул қилинган тузатишлар ЕХХТ ДИИХБнинг қатор тавсиялари ижобий ҳал қилинганлиги;

— Марказий сайлов комиссияси (МСК) томонидан барча даражадаги комиссиялар аъзолари учун кенг қўламли “каскад” усулидаги ўқувлар йўлга қўйилгани, бошқалар учун овоз бериш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, сайловчиларни сайловнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳабардор қилиш учун кенг қамровли кампания ўтказилгани;

— COVID-19 пандемияси билан боғлиқ муаммоларга қарамай МСК ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда профессионал ва самарали амалга оширгани, жумладан, МСК илк бор онлайн трансляция режимидаги очик мажлисларда ўз қарорларини қабул қилиб, веб-сайтида ўз вақтида эълон қилгани сайлов жараёнини ошқора ва шаффоф бўлаётганини қўрсатиб бергани;

— МСК томонидан сайлов кунига қадар мамлакат бўйлаб сайловчиларни сайловлар тўғрисида бир неча тилда ҳабардор қилиш бўйича кенг қамровли ва кенг қўламли кампания ташкил этилгани, шу жумладан, сайловчиларга саволлар бериш ва реал режимода жавоб олиш имконияти яратилиб, телефон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда саҳифалар ишга туширилгани;

— сайловчилар рўйхати кенг жамоатчилик эътиборига эълон қилингани ҳамда 2019 йилда жорий этилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ушбу сайлов учун янгиланган, қатор вазирлик ва давлат идораларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ҳолда янада такомиллаштирилгани;

— ОАВ учун ахборот муҳити яхшиланиб, маҳаллий ҳукумат органлари фаолияти ва ижтимоий муаммоларни, хусусан, Интернет орқали янада танқидий равишда ёритишга кенг йўл очиб берилгани;

— сайловлардаги тортишувли ҳолатларни ҳал қилиш механизми такомиллаштирилиб, ДИИХБнинг аввалги тавсияларига мувофиқ, мунозарали ҳолатларни ҳал қилишнинг параллел усулларига барҳам берилгани;

— овоз бериш материаллари, шу жумладан, муддатидан олдин овоз бериш учун, шунингдек, бошқа ускуналар участка сайлов комиссияларига ўз вақтида тақдим этилгани;

— округ сайлов комиссиялари очик тарзда иш олиб боргани, тўлиқ жиҳозлангани ва ходимлар билан таъминлангани, шунингдек, сайлов участкалари овоз бериш кунидан анча муддат олдин сайловга тайёр бўлгани;

— ҳуқуқий базада қилинган сўнгги ўзгаришларга кўра, маъмурий ресурслардан ноқонуний фойдаланиш, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг сайловолди кампанияларда иштирок этиши тақиқлангани;

— Миллий давлат телевидениеси ва газеталари ҳар бир номзодга, жумладан, Миллий телерадиокомпаниянинг бешта телеканалда 3,5 соатдан бепул трансляция ҳамда миллий босма нашрларда ҳар ҳафталик нашр учун жой ажратиш орқали ўз мажбуриятини бажаргани;

— имконияти чекланган сайловчиларнинг сайловда иштирок этиши учун қўлай ва тенг шароитлар яратилиб, бу борада махсус чора-тадбирлар амалга оширилгани;

— барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятига оид, жумладан, бошқалар учун овоз беришнинг олдини олиш ва сайлов кунини сайлов тартиб-қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, сайловчилар ва номзодларни рўйхатга олиш, сайлов кампаниясини ўтказиш, уни ОАВда ёритиш бўйича янгиланган қонунчилик базасининг жорий этилгани;

— Сайлов кодексига киритилган сўнгги ўзгаришлар ДИИХБнинг аввалги тавсияларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилгани **алоҳида эътироф этилди.**

Албатта, ҳисоботида танқидий мулоҳазалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Марказий сайлов комиссияси ЕХХТ ДИИХБнинг позициясига мамнуният билдириб, уларни кўриб чиқишга тайёрлигини маълум қилди. Шу билан бирга, сайловларни ўтказиш борасидаги қўйилган тажрибага, миллий қонунчилик ва халқаро амалиётга асосланиб, уларнинг айримлари бўйича принципиал позицияси мавжуд эканини қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, ўтказилган ҳар бир сайлов натижасига кўра, Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги ва амалиётида ЕХХТ ДИИХБ Сайловларни кузатиш миссиясининг қабул тавсиялари сайлов қонунчилигига имплементация қилинаётгани ва шу тариқа миллий ҳуқуқий база билан сайлов амалиёти такомиллаштириб борилаётгани эътиборга сазовордир.

Пойтахтимиздаги “Ҳумо арена” мажмуасида сайлов аянқларига бағишлаб ўтказилган тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев меҳнатсевар халқимиз томонидан сайловда ўзига билдирилган юксак ишонч учун миннатдорлик билдириб, жараёни кузатиб борган халқаро кузатувчилар фаолиятига ўз муносабатини билдирди. Хусусан, **“кўплаб давлатлардан, қатнашганлар, катта халқаро ташкилотлардан кузатувчилар келди. Улар хоҳлаган сайлов участкасига бориб, яратилган шароитларни, одамларимиз эртанги кунга бефарқ эмаслигини, сайловда фаол қатнашганини, оилалари билан келиб овоз берганини кўрди. Бу халқимизнинг руҳияти, кайфияти, сиёсий маданиятидан далолат. Жойлардаги учрашувларда одамлар ҳар бир соҳа бўйича, ўз шаҳри ёки тумани бўйича долзарб тақлифларни билдирипти. Танқидлар ҳам бўлаяпти. Бу ҳам ҳаётимиз ўзгариши, демократик ислохотлар натижаси. Яна бир марта айтимоқчимиз: орқага йўл йўқ. Энди Ўзбекистон факат олға боради”,** дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказилган сайлов бутун дунёга жонанжон Ватанимизда меҳнатсевар халқимиз учун давлат бошқаруви билан барча босқичларида бевосита қатнашиш, ўз муносиб танловини эркин ифода этиш имконини берувчи демократик бошқарув асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини яна бир бор исботлаб берди.

Мухтасар айтганда, юқори нуфузли халқаро кузатувчилар иштирокида очик ва шаффоф тарзда ўтказилган сайлов янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек улғу мақсад сари янги уфқларни очиб берди. Шундай улғу ва тарихий паллада дунё эътирофига сазовор бўлган ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг атрафида жипслашиб, ўз тараққиёт йўлимида бардавом боришимиз, тинмай меҳнат қилишимиз керак.



равнақи йўлида кўрсатилаётган бундай эътибор ўз самарасини беради, албатта.

Машғулотлар инглиз тилида ўтказилган мазкур мактабда ўқувчиларга

12 нафар хорижийлик ва 20 нафар маҳаллий педагог сабоқ беради.

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

СЎХДА ЯНГИ ҲАЁТ ШУКУҲИ

**Расулжон КАМОЛОВ,
Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбирлари**

Бошланиши 1-бетда

ЙЎЛЛАР ЯҚИН, КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ

Сўхликларнинг кўп йиллик орзулари рўёбга чиқди. "Навобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қисқа фурсатда янги аэропорт қурилиши поёнига етди. Умумий майдони етти гектар, узунлиги етти юз метрни ташкил этган учинч-қўниш йўлаги ҳаво кемаларининг эркин ҳаракатланиш имкониятини беради.

Қурилиш ишлари учун давлат бюджетидан олти миллиард саккиз юз миллион сўм маблағ ажратилди. Бу ерда учинч майдончаси, кутиш зали, овқатланиш, савдо, дам олиш шохобчаларидан иборат замонавий мажмуа қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан бир неча кун олдин қўналға дастлабки синов парвозини қабул қилди. Фарғона халқаро аэропортидан маҳаллий вақт билан соат 12:30 да ҳавога кўтарилган "Нипо Air" авиакомпаниясига қарашли Ан-2П йўловчи самолёти қирқ дақиқа ўтиб Сўх аэропортига келиб қўнди.

Илк парвоз туман ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан катта тантана билан кутиб олинди. Амалга оширилган парвоз ҳамда Сўх аэропортида яратилган техник шароитлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Самолёт қайта Фарғонага парвоз қилиб, вилоят марказига етиб келди.

— Йўллар яқин, кўнглил хотиржам, — дейди Истиклол маҳалласида яшовчи 87 ёшли Субҳиддин ота Шарофиддинов. — Зарурат юзасидан вилоят маркази, қўшни туманларга бориб-келишда қийинчиликлар, узок йўл, чегара ҳудудидаги расмийатчилик кўп вақт йўқотишга сабаб бўларди. Кичик авиация транспорти бу борадаги муаммолар ечимида кенг имконият яратади. Эртакдек туюладиган бу воқеа аслида ҳаётий ҳақиқат.

Қирқ йил бошлангич таълим соҳасида ёшларга сабоқ берганман. Яқинда давлатимиз раҳбарининг вилоятимиз сайловчилари билан учрашуви чоғида мафтункор табияти ва мусаффо ҳавоси билан танилган Сўхда сиҳаттоҳ барпо этиш юзасидан тақлиф билдирдим. Президентимизга раҳмат, бу тақлифни маъқуллаб, нурунийлар учун 100 ўринли замонавий сиҳаттоҳ барпо этиладиган бўлди. Бу ҳам жуда катта ғамхўрлик намунаси.

Бундан олти ой олдин Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари орасида "Риштон" ("Қайтпас") ва "Тул" ("Этикчи") чегара постлари фаолияти тикланиб, Қирғизистон орқали ўтган Сўх — Риштон йўли тантанали равишда қайта очилган эди. Бу воқеа ҳам сўхликлар учун катта шодиёнага айланди. Шундан буён улар вилоят марказига келиш учун 80 километр йўл босиб, беҳуда вақт сарфламайдиган, 19 километрлик қисқа йўл орқали ортиқча оворагарчиликларсиз кўзланган манзилга етиб борадиган бўлишди.

— Мазкур йўлнинг очилиши савдо-иқтисодий муносабатларимиз, тадбиркорлик ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди Боткен вилоятининг Қадамжой туманида яшовчи тадбиркор Ражабали Худойбердиев. — Чўнқи эндиликда ўзаро маҳсулот айирбошлаш, ҳамкорликда тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш имконияти янада кенгайди.

Ҳеч шубҳасиз, у авиа ёки куруқликда солинган йўл бўлсин, бир дарахтнинг икки забардаст шохи бўлган халқларимизнинг дўстлик, қардошлик, меҳр-оқибат йўлларига айланаверади.

ПУЛ ТОПГАН ОДАМ ШАҲАРДА ЯШАШГА ОШИҚАРДИ

Илгари қишлоқларда одамларнинг кундалик ҳаёти тарзи учун оддий шароитлар бўлмаган. Қишда совуқ, сабзбасиз чирок ўчишлар, ўнқир-қўнқир йўллар, сув, газ таъминоти билан боғлиқ кундалик етишмовчиликлар гирдобда яшашни ким ҳам истайди. Шу боис, пул топган одам шаҳарда яшашга ошиқарди...



Бугун бу ердаги ҳаёт тарзи ўзгарди. Энди уй-жой қиламан деган сўхликлар ўз қадрдон масканларидан кетишни хоҳлашмаяпти.

Президентимиз қарори ижроси доирасида бу ерда 280 та хонадонли 8 та кўпқаватли уй қуриб битказилди. Шу кунга қадар янги хонадонларнинг 170 таси эҳтиёжманд оилаларга ажратилиб, дастлабки бадал пуллари тўлаб берилди.

— Мана шундай кўркам, барча қўлайликлар муҳассам бўлган уйларида яшашни жуда орзу қилардим, — дейди Муяссар Ибрагимова. — Икки хонали шинам уйнинг бошлангич тўловини тўлаб беришди. Кундалик ҳаёт тарзимиз учун муҳим бўлган шароитлар яратилган. Болалар учун ўйин майдонлари, дам олиш масканлари, савдо ва маиший хизмат кўрса-



тиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилгани аини муддао бўлди. Бизга мана шундай қўлай шарт-шароитлар яратиб берган Президентимиздан миннатдорман.

Туманда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, яъни уй-жой билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида 2017-2021 йиллар давомида намунавий лойиҳа асосида 89 та янги ҳовли-жой барпо этилди. Бу олдинги беш йилга нисбатан 4 баробар кўп.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ҚАНОТ

Чегара ҳудудида яшаётган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан пасаитирилган миқдорда солиқ ставкалари жорий этилди. 2021 йил 14 сентябрь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда айрим ҳудудларда солиқ солишининг алоҳида тартибини назарда тутувчи махсус солиқ режими киритилди. Бу имтиёздан сўхликлар ҳам фойдаланмоқда. Унга кўра, фойда, айланмадан ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари бўйича имтиёзлар берилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорларда ундириладиган даромад ва ижтимоий солиқлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдориди белгиланиши назарда тутилган.

— Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси учун ойлик қатъий даромад солиғига 100 минг сўм, йилгига 1,2 миллион сўм, ижтимоий солиқ учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдориди 270 минг сўм, йилгига ўртача 3 миллион сўм, жами 4,2 миллион сўм миқдориди солиқ тўлашим зарур эди, — дейди якка тартибдаги тадбиркор Илҳомжон Саломов. — Имтиёзлар қўлланиши натижасида бу даромадлар ўз ихтиёрида қоладиган бўлди. Бу фаолиятимни янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имкониятини беради.

Жорий этилган янги имтиёз бўйича юридик шахслардан олинадиган мол-мулк, ер, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,1 коэффи-

циент (белгиланган солиқ ставкасининг 10 фоизи) қўллаган ҳолда тўланиши белгиланган.

Сўх тумани, "Зағнат" МФИда яшовчи Ҳасан Иназаровнинг яшаш хонадонига амалдаги тартибга кўра, 2021 йил учун мол-мулк солиғига 136 минг сўм, ер солиғига 903 минг сўм, жами 1 миллион 39 минг сўм солиқ ҳисобланган. Имтиёз тўғрисида жорий йилги мол-мулк солиғига 13,6 минг сўм, ер солиғига 90,3 минг сўм, жами 103,9 минг сўм солиқ ҳисобланадиган бўлди.

УЗОҚҚА БОРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий-санитария ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.



Ўтган йиллар давомида Сўх тумани тиббиёт муассасаларига "Саломатлик-3" лойиҳаси, Испом тараққиёт банки, республика ва вилоят бюджетидан жами 1 миллион доллардан ортиқ тиббий ускуналар олиб келинди. Тиббиёт муассасалари билан замонавий ахборот технологиялари орқали алоқа йўлга қўйилди.

Аҳолининг дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган талабини қондириш мақсадида "Фарғона дори-дармон" акциядорлик жамиятига қарашли 1 та марказий ижтимоий дорихона, унинг 8 та шохобчаси ва 1 та кўча дорихона ташкил этилди.

Давлат инвестиция дастури доирасида 3 690,8 миллион сўм маблағ эвазига марказий шиёфхона ҳудудида 25 ўринга мўлжалланган янги юқумли касалликлар бўлими биноси ишга туширилди.

— Узоққа боришга ҳожат қолмади, — дейди бўлим мудири Меҳрибон Болтабоев. — Бу ерда беморларга малакали хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратилган. Ичак ва ҳаво томчи инфекциялари бўлимлари бир вақтда 25 нафар беморга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Дастур доирасида олиб борилаётган ишлар кўлами кенг. Аини кунда Ленбур ва Мулгон қишлоқ врачлик пунктлари биносини янгидан қуриш, яна еттитасини реконструкция қилиш ишлари поёнига етмоқда.

"Офтобру" маҳалла фуқаролар йиғинида янги соғломлаштириш маркази қурилди. "Сабрина невромед" хусусий корхонаси томонидан тиббий хизмат кўрсатиш маркази ишга туширилди. "Сўх — Реацентр" хусусий корхонаси раҳбари Солижон Мусаев соғломлаштириш маркази қурилишига бош бўлди.

Бу ерда гидротерапия, яъни сув билан довлалаш, неврология-терапия, травматология бўлимлари мавжуд. Соғломлаштириш марказида кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлганларнинг доволанишлари учун имтиёзлар мавжуд.

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИГА УЙГУН ИШЛАР

"Шарқобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 14-мактабгача таълим ташкилоти қайта таъмирдан чиқарилди. Бу ерда умумий қиймати 3,8 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 100 нафардан ортиқ кичкинтой учун замонавий шарт-шароитлар яратилди.

Аслида, бундан икки йил аввал туманда болаларни бошлангич таълимга жалб этиш 30 фоизга ҳам етмаган. Эндиликда бу борадаги ишлар салмоғи ошди, янги таълим масканларини қуриш, қайта таъмирлаш ишлари жадаллашди.

— Болаларни мактабгача таълим масканларига қамровини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди туман мактабгача таълим ташкилоти бўлими мудири Гулноза Усмонова. — Шу кунга қадар 11 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 35 та оилавий боча ташкил этилиб, 3-7 ёшгача бўлган болажонларни бошлангич таълим йўналишига қамраб олиш даражаси 66 фоизга етди. Жорий йилнинг ўзига 3 минг нафарга яқин бола жалб этилди.

Туманда истироҳат боғлари ташкил этиш, спорт муассасалари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйиш ва мураббийлик фаолиятини рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам баркамол авлод орзуси йўлидаги ишларни сифат

жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этапти.

Мисол учун, маданият саройи биносига фаолият юритаётган Рақамли технологиялар марказини олайлик. У замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланган, йилгига 1 200 нафарга яқин ёшга ахборот-коммуникация технологиялари, дастурлаш, робототехника асослари, замонавий рақамли технологияларни ўргатиш ҳамда бу соҳада мутахассисларни тайёрлашда камрабаста бўлиб келяпти.

Табиийки, бу жараёнлар бевосита ахборот-коммуникация тизимининг ҳолати билан боғлиқ. Туманда 62 километр оптик толали алоқа кабеллари, умумий сийғими 536 портли замонавий қурилмалар, 5 та мобиль алоқа база станцияси ўрнатилгани наинки ёшларга, балки барча аҳолига дунёнинг ҳар қандай "бурчаги"ни бир зумда яқин қияпти, интернет хизмати тезлигини оширишда қўл келяпти.

ЧЕМПИОН ЁШЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

Самарқанд вилоятида қаратэ бўйича ўтказилган халқаро турнирда 6 ёшли Шохмуродон Шожаюмов, Моҳигул Викторова, Алишер Валиевлар чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Бокс мусобақаларида Бехруз Файзиев, Авазбек Аъзамжонов, Сардор Қаҳҳоровлар вилоят, республика миқёсида ўтказилган нуфузли баҳсларнинг ғолиби бўлди. Бу бежиз эмас.

Сўхда спорт турларини ривожлантириш, иншоотлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ютуқлар омили бўляпти.

Марказий ўйингоҳ қайта қурилди, суний қопламали 15 дан ортиқ спорт майдончаси, 5 та фитнес клуби ва 1 сузиш ҳавзаси ташкил этилди. Қаранг, эндиликда қаратэ-до, белбоғли кураш, бокс, бадий гимнастика, енгил атлетика, теннис сингари спорт мусобақаларида иштирок этаётган ёшлар кўпаймоқда.



— "Ровон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Сўғдиёна" спорт мажмуаси таъмирдан чиқарилди. Иқтисодий ва педагогика касб-хунар коллежи неғизидagi 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурилиши поёнига етди, — дейди туман туризм ва спорт бўлими бошлиғи Сухробжон Қозиев. — Спорт мажмуалари учун 206 турдаги, қиймати 560 миллион сўмдан ортиқ спорт жиҳозлари олиб келинди. Сўхлик 124 нафар ёш жисмоний тарбия йўналишидаги олий таълим масканларига имтиёзли қабул қилинди. Асосий эътибор 2024 йилда Францияда бўлиб ўтадиган тўрт йилликнинг нуфузли баҳсларида сўхлик ёшларнинг муносиб иштирокчини таъминлашга қаратилган.

САЙЁҲЛИК МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Сўх тумани пурвиқор тоғлар билан ўралган хушманзара табиатга эга. Бу ерда 15 га яқин маданий, меъморий ёдгорликлари бор. Ҳазрат Али, Султон Ғазнавий зиёратгоҳи, Сулуғнур ғори, Хужайли Мурод бешиги сингари маданий ёдориқлар жуда машҳур. Айниқса, Сурати тоғи сайёҳлар учун муҳим тилсимот бўлиши, шубҳасиз. Баланд ўрқачли бу тоғлар ҳудудда альпинизм соҳасида янги йўналишлар очиш учун жуда қўлай.

— Сўх — Фарғона йўналиши бўйича авиапарвозларнинг йўлга қўйилиши сайёҳлар учун ҳам катта қўлайликлар яратади, — дейди туризм ва



**“БУНДАН ОЛТИ ОЙ ОЛДИН
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВА
ҚИРҒИЗИСТОННИНГ
БОТКЕН ВИЛОЯТЛАРИ
ОРАСИДА “РИШТОН”
("ҚАЙТПАС") ВА “ТУЛ”
("ЭТИКЧИ") ЧЕГАРА ПОСТ-
ЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТИКЛАНИБ,
ҚИРҒИЗИСТОН ОРҚАЛИ
ЎТГАН СЎХ — РИШТОН
ЙЎЛИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА
ҚАЙТА ОЧИЛГАН ЭДИ. БУ
ВОҚЕА ҲАМ СЎХЛИКЛАР
УЧУН КАТТА ШОДИЁНАГА
АЙЛАНДИ. ШУНДАН БУЁН
УЛАР ВИЛОЯТ МАРКАЗИГА
КЕЛИШ УЧУН 80 КИЛОМЕТР
ЙЎЛ БОСИБ, БЕҲУДА ВАҚТ
САРФЛАМАЙДИГАН,
19 КИЛОМЕТРЛИК ҚИСҚА
ЙЎЛ ОРҚАЛИ ОРТИҚЧА
ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРСИЗ
КЎЗЛАНГАН МАНЗИЛГА ЕТИБ
БОРАДИГАН БЎЛИШДИ.**

”

спорт бўлими бош мутахассиси Отабек Латипов. — Бу меҳмонхона ва хизмат кўрсатиш тармоқларига бўлган талабни оширмоқда. Шу мақсадда 22 та меҳмон уйи қурилди. Бу борада иш олиб бораётган янги лойиҳа ташаббускорлари кўп. Қайроқ массивида амалга оширилаётган насос станцияси қурилиши ҳудудда ағротуризмни ривожлантириш имкониятини беради.

Сўхда амалга оширилаётган лойиҳалар кўлами кенг. Энг аввало, туман тобора санотлашиб борапти. Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш, ерости табиий бойликларини қазиб олиш фаолиятини такомиллаштириш, мевани қайта ишлаш ва қадоқлаш борасидаги ишлар унинг муайян қисми. Балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантириш, интенсив боғлар барпо этиш, иссиқхоналар қуришга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам биринчи навбатдаги вазифалар сарисига қиради...

Лекин бу ва бошқа йўналишдаги ишлар ҳақида ҳикоя қилиш келгуси ижодий режаларимиз мавзуси. Олис туманга келган киши ана шундай ушкан ўзгариш, бунёдкорлик билан ҳамоҳанг яшаётган сўхликлар шукўҳига гувоҳ бўлади. Бетақдор табиати, яратувчан ва самимий одамларининг дилкаш суҳбати уларни бу кўҳна заминга чорлайверади.



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

ХАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ, УНИНГ ЯХШИ ЯШАШГА БЎЛГАН ОРЗУ-УМИДЛАРИ МУЖАССАМ. АЙНИҚСА, ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БЎЛГАН АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИ ХАР ТОМОНЛАМА МУҲОФАЗАГА ОЛИШ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРИДА БЎЛИБ, УЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИЛГАН ҲОЛДА МАВЖУД МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ КЕЛИНМОҚДА.



ДУНЁДА ҚИЁСИ ЙЎҚ ТУЗИЛМА

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудир

Бошланиши 1-бетда

ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Бу гоёнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этганда, беихтиёр ўтмиш йиллар кўз ўнгимиздан ўтади. Узоқ йиллар давомида манфаатлар борасида “халқ” сўзини деярли ишлатмай келганимиз айни ҳақиқат. Энг аввало, давлат манфаатини ҳимоя қилишга эътибор қаратилган, халқ манфаати эса кейинги ўринда турган.

Бу эса жамиятда халқ иродасини давлат идоралари томонидан ифода этишда қўллаб муаммоларини келтириб чиқаришга сабаб бўлиб келди. Йиллар давомида бу ҳолатда давлат томонидан жиддий эътибор қаратилмай ҳам қўйилди. Оқибатда давлат ва халқ муносабатларида улкан бўшлиқ юзага келди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш, бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди” деб, ҳақиқий ҳолатни очиқ-ойдин айтиб ўтди. Шунингдек, “...халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмаслигини таъкидлаб, ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилишни тақриф этди.

2016 йил 28 декабрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Президент фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси фуқаролар билан мутасадди идораларни боғловчи тизимга айланди. Бугунги кунда Халқ қабулхоналари институти халқро мижёсда қиёси йўқ тузилма сифатида кенг эътироф этилмоқда.

Халқ қабулхоналари фаолиятида халқ ҳаётидан ақиндан хабардор бўлиш, одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини жойида ўрганиш ҳамда ҳал этишда ижтимоий адолатни таъминлаш бош мезонга айланди.

Айниқса, жойларда Президентнинг Халқ қабулхоналари ташкил этилиши фуқаролар мурожаатларига янгича ёндашув тизимини вужудга келтирди. Бу борада асосий эътибор фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканлиги, раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабуллар ташкил этишлари, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишлари зарурлиги белгилаб берилди. Қисқа қилиб айтганда, раҳбарлар фаолиятига халқ томонидан баҳо берилиши, ҳар бир раҳбарнинг халқ розилиги йўлидаги масъулиятини, дунёқарабини тубдан ўзгартирди.

Бугун Халқ қабулхоналари халқ билан доимий мулоқот қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳолислик, адолат таъминлашлари асосида кўриб

чиқилишида, мансабдор шахслар масъулиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Жойларда фуқароларнинг Президентга, Олий Мажлисга, Президент Администрациясига, ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид Конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун кенг шароит ва имкониятлар яратилди.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг яхши яшашга бўлган орзу-умидлари муҳасам. Айниқса, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламини ҳар томонлама муҳофазага олиш Халқ қабулхоналарининг асосий диққат эътиборида бўлиб, уларнинг рўйхатлари шакллантирилган ҳолда мавжуд муаммоларини ҳал этиш чоралари кўриб келинмоқда.

Эътироф этиш керакки, илгарилари ногиронлиги бўлган имконияти чекланган шахслар билан ишлаш тизими бўлмаган, тўғрироғи, уларнинг ҳолидан ҳеч қим хабар олмаган, улар эса тақдирга тан бериб яшайверган. Эндиликда, улар мунтазам давлат эътиборида бўлиб, соғлиги, ижтимоий ҳимоялангани чоралари кўрилмоқда



ва бошқа муаммоларига ўз вақтида самарали ечим топиб берилмоқда.

Халқ қабулхоналарига келаётган мурожаатларнинг моҳиятида ҳам фуқароларнинг бугун яхши яшашга бўлган истаклари, адолат таъминлари йўлидаги тақлиф, талаблари, жамият тарақиётида ўз ўринларини топишга бўлган интилишлари ўз ифодасини топишмоқда.

Халқ қабулхоналари фаолиятининг дастлабки даврларида фуқаролар ўзларининг шахсий масалалари билан кўпроқ мурожаат қилишган бўлса, эндиликда улар ҳудудлардаги муаммолар, яъни йўлларни таъмирлаш, электр, газ, сув таъминотларини яхшилаш, боғча ва мактаблар кўриш каби ижтимоий масалаларга кўпроқ эътибор қаратаётгани қувонарли ҳолдир. Бинобарин, одамлар яхши яшаш кераклигини, истиқомат қилаётган ҳудудларни обод ва замонавий шарт-шароитларга эга бўлиши лозимлигини англаб, бу борада ҳам амалий тақлифларни илгари суришлпти.

ТАҲЛИЛИЙ ТАНҚИД ВА АМАЛИЙ ХУЛОСАЛАР

Жорий йилнинг 23 июлида Президентимиз раҳбарлигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видео-селектор йиғилишидаги таҳлиллар, билдирилган фикрлар, берилган топшириқлар тизимда янгича ёндашув, янада масъулият билан ишлаш лозимлигини ақол кўрсатиб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан фуқаролар мурожаатларини ҳал



этишда охириги пайтларда Халқ қабулхоналари фаолиятида юзаси ёндашув, сансонарликка йўл қўйиш ҳолатлари юз бераётгани танқид қилинди.

Ушбу фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда, Тошкент вилоятида фуқаролардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган 59 821 та мурожаат қайта ўрганилиб, уларнинг 39 088 таси, яъни 65,2 фоизи ижобий ҳал этилди.

Жумладан, ичимлик суви бўйича 1092 та, соғлиқни сақлаш йўналишида 1602 та, газ таъминоти борасида 802 та, электр энергияси юзасидан 1489 та, ички йўлларни таъмирлаш



Жорий йилда жойларда сайёр қабулларни ўтказишга эътибор янада кучайтирилди. Бевоcита мулоқотлар ўтган йилнинг уч чорасига нисбатан 1727 марта кўп ўтказилди. Ўтказилган сайёр қабулларда фуқаролардан жами 12536 та мурожаат тушган бўлиб, уларнинг 6504 таси (56,6%) ижобий ҳал қилиб берилди.

Айни пайтда маҳаллада аҳолига хизмат кўрсатишни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини жойларнинг ўзида ҳал қилиш вазифасини қўймоқда. Шу боис, видеоселектор йиғилишида ҳам Президентимиз одамларни мурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни маҳаллаларнинг ўзида бартараф қилиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бир ҳафтада икки кунни фуқароларни қабул қилишга ажратиши, шунингдек, ҳокимликларда кунлик қабул йўлга қўйилиши белгиланди.

Ҳар бир ҳокимнинг кабинети “халқ қабулхонаси” бўлади. Мурожаатларни кўриб, нималарга эътибор қилиш бўйича ҳар бир раҳбарнинг стратегияси бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари ва аҳоли тўғридан-тўғри туну кун мурожаат қилиши учун ҳокимларнинг виртуал қабулхонаси ва ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифаларини ташкил этиш вазифасини қўйди.

Дарҳақиқат, ҳамма нарсаси, аввало, маҳаллада юз беришини, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам маҳаллада етиштирилишини, содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳам маҳаллада рўй беришини, қолаверса, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар биринчи галда маҳаллада юзага келишини инобатга олсак, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, маҳалла давлат ичидаги кичик давлат экан, уни ҳар томонлама ривожлантириш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижросини таъминлаш энг оқилона ва самарали йўлдир.

Якуний хулоса — халқнинг розилиги.

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир. Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, баши ва ҳофизларимизнинг сەхрли қўшиқларига қўл тutsин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАНЛОВ

ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” республика танлови нисбатан ёш бўлса-да, қисқа вақт ичида сезиларли мавқега эришди, мазмунли, қамрови билан жамоатчилик эътиборига тушди. Кеча иккинчи бор ўтказилган танловнинг голиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Иштирокчилар Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти томонидан ташкиллаштирилган тадбирнинг аънавий тус олганидан мамнуният изҳор қилдилар.



Танлов якунларига бағишлаб ўтказилган тадбир аввалида давлат ва жамоат арбоблари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва туман ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича маслаҳатчилари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос ва тилшунос олимлар, ОАВ ходимлари томонидан Адмблар хиёбонида Алишер Навоий пойига гул қўйиб, улуғ бобокалонимизга эҳтиром кўрсатилди.

Бу йилги танлов учун 3 йўналиш белгилаб олинди ҳамда ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолис баҳоланди. Тадбирда “Давлат тили устуворлигини таъминлаган энг намунали ҳудуд (маҳаллий ижро этувчи туман/шаҳар ҳокимликлари)”, “Давлат тилида иш юритиш йўлга қўйилган энг яхши тизим (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари)” ва “Ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган энг яхши илмий-амалий лойиҳа (илмий ташкилотлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари)” йўналишида таъсис этилган мукофотлар ўз эгаларига топширилди. Голиблар қимматбаҳо совға ва пул мукофотларини қабул қилиб олдилар.

— Мазкур танлов, аввало, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш учун фидойилик қилаётган жонқуярларни бир даврада бирлаштириш, уларнинг фикр ва гоёларини оммалаштиришга хизмат қилишга йўналтирилди.

— Мазкур танлов, аввало, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш учун фидойилик қилаётган жонқуярларни бир даврада бирлаштириш, уларнинг фикр ва гоёларини оммалаштиришга хизмат қилишга йўналтирилди.

рилди, — деди Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти мудир Абдуғаффор Қирғизбоев. — Шунингдек, юртимизда давлат тилини кенг тарғиб этиш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, адабий тил меъёрларига риоя этилишини таъминлаш каби муҳим жиҳатларни ҳам қамраб олиши кўзда тутилган.

“Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” танловининг “Давлат тили устуворлиги таъминланган энг намунали ҳудуд” йўналиши бўйича 1-ўринга Сирдарё вилояти Ширин шаҳри ҳокими Сарвар Султонов ва маслаҳатчи Улуғбек Халилов сазовор бўлди.

Танловнинг “Давлат тилида иш юритиш йўлга қўйилган энг яхши тизим” йўналиши бўйича голибликни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (маслаҳатчи Гуллола Исоқова) қўлга киритди.

“Ўзбек тилини ривожлантириш учун энг яхши илмий-амалий лойиҳа” йўналишида Муҳаммадқосим Мамаसाидов тақдим қилган иш энг оқори ўринга лойиқ топилиди.

Тақдирлаш маросимида мумтоз куй-қўшиқлар, она тилимизни улуғловчи шеърлар янгради. Шунингдек, йиғилганлар эътиборига Мўқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма театри актёрлари ижросида “Бахши” спектаклидан парча ҳавола этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев иштирок этди.





БИЛИМЛИ ЁШЛАР = УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ



Мирзиёд МИРСАИДОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ
ҳўжалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
кафедра mudiri, техника фанлари
доктори, академик

Бошланиши 1-бетда

Шу билан чекланмай, ўтган даврда замонавий билим ва кўникмага эга, креатив фикрлайдиган, янгилликка интилувчан йигит-қизларни малакали мутахассис этиб тайёрлаш учун таълим, илм-фан соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширишга эришилди.

Охирги уч йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Узоқ туманларга бориб ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Уларга 50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўлаш тизими йўлга қўйилди. Бу олис ҳудудлардаги мактабларга мингдан зиёд ўқитувчини жалб этиш имкониятини берди. Нафақа ёшида фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга нафақаларини тўлиқ миқдорда бериш тартиби амалиётга жорий этилди.

Таърибадан келиб чиқиб айтилган бўлсак, 2018-2019 йилларда юртимизнинг турли вилоятларидаги қирқдан зиёд мактабда ўқувчилар билан учрашувлар ўтказдик. Очиқ айтиш керак, айрим ўрта таълим муассасаларида, хусусан, Наманган вилоятидаги қатор мактабларда эркак ўқитувчилар деярли йўқ эди. Педагог ходимларга, таълимга қўрсатилган катта эътибор, яратилган шарт-шароитлар, моддий ва маънавий кўмак туфайли эркак ўқитувчилар мактабга қайта бошлади. Айни пайтга келиб, мактабларда улар салмоғи анча ортди.

Таълим соҳасидаги
ислохотлар қисқа даврда ўз
самарасини кўрсата бошлади.
Жумладан, кўплаб таълим
муассасаларининг иқтидорли
ўқувчилари нуфузли халқаро
фан олимпиадаларида
совриндорлар сифатида
жой олмоқда. Бу билан
юртимизнинг халқаро
имижини кўтаришга ҳам
муносиб ҳисса қўшмоқда.
Бунга мисол сифатида
Бухоро вилоятидаги Қорақўл
халқаро мактаби ва Тошкент
педиатрия тиббиёт институти
қошидаги академик лицей
ўқувчиларининг халқаро
олимпиадаларда мунтазам
совриндорлар қаторидан ўрин
олиб келаётганини айтиб
ўтиш мумкин.

Сўнгги йилларда кўп касб-хунар коллежларининг институт қошидаги техникумларга айлантирилиши кичик мутахассисларни тайёрлаш борасидаги ўзига хос тўғри ечим бўлди.

Илгари кўп техникумларда мутахассисликка доир фанлар билан бирга табиий ва умуммуҳандислик фанларидан олган билимим ҳаётда жуда кўп ютуқларга эришишимизда ёрдам берди. Шу маънода, юртимизда профессионал

таълим тизимининг жорий этилгани соҳадаги катта ислохот бўлди. Унга кўра, янги профессионал таълим уч тоифага: касб-хунар мактаблари, идоровий коллежлар ва техникумларга бўлинди. Янгича услубдаги профессионал таълим тизимининг касб-хунар мактаблари йўналишида умумтаълим муассасаларининг юқори синф ўқувчилари бирламчи касбий тайёргарликдан ўтади. Идоравий коллежларда тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш учун мақсадли равишда мутахассислар тайёрланади. Техникумларнинг ўқув дастури олий таълим муассасалари ўқув дастури билан уйғунлаштирилиб, бакалавриятнинг тўртдан бир қисмида шаклландиغان билим, кўникма ва малака техникумларнинг ўқув режа ва ўқув дастурига синдирилди. Уларни аъло баҳоларга тамомлаган битирувчилар учун тегишли олий таълим муассасаси бакалаврият босқичининг 2-курсдан имтиҳонсиз ўқишни давом эттириш имконияти берилди. Интилувчан йигит-қизларга бундай имкониятлар берилиши таълимда ҳам, ёшларни кўллаб-қувватлаш сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқори салоҳиятли, билимли, рақобатбардор, хорижий тиллари пухта ўзлаштирган олий маълумотли мутахассислар янги Ўзбе-

та ажратиладиган бўлди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар барча ёшлар ўз соҳасидаги масалалар ечимини илм йўли билан ҳал қилишда фидойилик кўрсатса, янги Ўзбекистоннинг юксалишига ҳисса қўшган бўларди.

Ҳаракатлар стратегиясида илм-фан ва инновацияни ривожлантириш янги Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг асосий омилларидан бири экани қайд этилган. Зотан, дунёдаги энг етакчи давлатлар — АҚШ, Германия, Япония, Сингапур, Франция, Жанубий Корея каби мамлакатлар илм-фан ва инновацияни ривожлантириш орқали иқтисодийетини юксалтиришга эришган.

Энг яқин тарихимиздан маълумки, Фанлар академияси тизимида билиб-билмай қилинган структурвий хатоликлар туфайли физика, математика, кимё, биология, генетика ва бошқа йўналишлар бўйича дунёга танилган олимлар ишлаб келаётган кўпгина илмий-тадқиқот институтлари олий таълим муассасаларига қўшиб юборилди. Президентимиз давлат раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунларданоқ мана шу янглиш қадам тузатилди. Илмий-тадқиқот институтлари ва уларда меҳнат қилаётган олимлар ўз жойига қайтарилди. Улар учун барча зарур шароит яратиб берилди. Масалан, Фанлар академиясига қарашли институтлар шу вақтгача лойиҳа грантлари ва ҳўжалик шартнома-



кистоннинг пойдеворини бунёд этувчи асосий куч ҳисобланади. Шу сабабли, олий маълумотли кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Жумладан, 2016–2017 ўқув йилида юртимизда олий таълим муассасалари сони 77 тани ташкил этган бўлса, 2021-2022 ўқув йилига келиб бу кўрсаткич 144 тага, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага оширилди. Шу билан бирга, институт ва университетларнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари доирасида янги касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мамлакатимизда бир қанча ривожланган давлатлар университетларининг филиаллари очилди ва бу ижобий жараён давом этмоқда.

Барча абитуриентларга тенг имконият яратиш мақсадида олий таълим муассасасига қабул тест синовлари умумий майдонларда ўтказиладиган бўлди. Шу билан бирга, абитуриентларга бир вақтнинг ўзига бир неча таълим йўналишига ҳужжат топшириш имконияти яратилди. Олий таълим олиш истагидаги қизлар учун қўшимча квоталар ажратилган. Давр талабига жавоб бермайдиган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ёпилиб, уларнинг ўрнига ҳозир эътиж мавжуд бўлган янги йўналиш ва мутахассисликлар очилди. Фанларнинг ўқув дастурлари янгиланиб, дарсликларнинг янги авлоди яратилмоқда. Профессор-ўқитувчиларга эътибор кучайиб, уларнинг маоши ўртача 3,5 баробар оширилди.

Жадал ривожланаётган мамлакатимизга билимли, ўз ишига фидойи илмий даражали кадрлар зарур. Шунинг учун ҳам бу йилдан докторантурага қабул квотаси 2 баробар оширилди. Келгусида ҳам бу кўрсаткич ҳар йили ошириб борилади. Билимли, салоҳиятли, олий маълумотли ва илмий даражали кадрлар тайёрлашда рақобатни кучайтириш учун давлат стипендиялари сони кўпайтирилиб, бакалаврият босқичи талабалари учун ҳар бир институтга биттадан, магистратура учун 22 та ва таянч докторантура бўйича 10 та квоти-

лари асосида молиялаштирилган ва шундан кўн қўриб келарди. Энди улар давлат томонидан базавий молиялаштирилмоқда. Бундан ташқари, кўп йиллар давомида Фанлар академияси аъзолигига қабул ўтказилмаган. Бу жараён ҳам қайта тикланиб, кўплаб янги академиклар сайланди.

Охирги йилларда илмий
ҳодимларнинг ойлик маоши
ҳам анча кўтарилди. Энди
давлатимиз имкониятидан
келиб чиққан ҳолда,
илмий-тадқиқотлар учун
моддий-техник базани
ривожлантиришга ҳам
эътибор кучайтирилса, илмий
ташкилотлар иқтидорли,
фидойи ёш мутахассисларни
илмий фаолиятга жалб
қилишни жадаллаштиришса,
фан ва инновацияни
ривожлантишда сезиларли
ютуқларга эришамиз.

Халқаро илмий маълумотлар базаларидаги кўрсаткичларга кўра, юртимиз олимлари охирги йилларда астрономия, физика, математика, кимё, биология, фармацевтика, геология, сейсмология, сейсмик мустаҳкамлик ва бошқа соҳаларда оламшумул натижаларга эришаётир. Бу, шубҳасиз, соҳадаги ислохотларнинг илк нишонларидир.

Мамлакатимиз 2015 йилда Глобал инновацион индекс рейтингига 141 давлат орасида 122-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 93-ўринга муносиб топилди. 2030 йилда жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатни қаторига кириш режалаштирилган. Эришилган натижа-лар Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг дастлабки самараларидир. Бу ютуқлар ҳам-маси жамланиб, юртимизнинг мустаҳкам, қудратли, дунё ҳамжамиятида нуфузи ва мавқеига эга давлат сифатида бўй кўрсатиши учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМОТИ

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Инсонни, шахсни ўрганиш ҳамда илмий таъриф-тавсиф бериш муаммоси — инсоншунослик билан боғлиқ ижтимоий фанларнинг барча соҳалари учун абадий жумбоқ, чексиз-чегарасиз мунозаралар олами. Кишилиқ жамиятида не-не олимлару фозиллар, донишманду алломалар инсон+шахснинг моҳияти, унинг пайдо бўлиши, жамият сарвари ва сардори сифатидаги воқелиги ҳақида мунозара қилади, мушоҳада юритади, ўрганади ва тадқиқ этади.

Албатта, шахснинг ўзига хос белгиси жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, муайян мавқега, яъни мартабага эриша олишидир. Чунки ақлли инсон жамиятда мўлжал олиш, муайян мақсад йўлида ўзини сафарбар эта билиш имкониятига эга бўлади ва айни пайтда жамиятга фойда келтиради. Ана шунда у яратган қадриятлар бевосита шахс қадриятига айланади.

Ҳақиқий баркамол шахс ҳар қандай қадриятни қадрлай олади, ҳурмат қилади ва айни пайтда ўзига нисбатан ҳурматни ҳам талаб этади. Аниқ ҳулосага эга бўлмаган инсон жамиятнинг сарвари ва сардори бўла олмайди. Воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдирган олмайдиган, бошқалар фикри билан яшайдиган, вазиятга қараб иш тутадиган, ўта юмшоқ ва ношуд инсон шахс бўлиб етиша олмайди. Демак, шахс ўз қиёфасига, ўз ху-

Г.Паскалнинг фикрича, инсоннинг даҳолик қудрати унинг мантиқий мушоҳада қила олишида, тафаккур куч-қудратида чуқур фикрлаш тарзида намоён бўлади. Унинг кашфиётчилик қобилияти, ижодий салоҳияти, топқирлиги, ҳар қандай ташаббусларни субъектив тарзда бойитиши замирида даҳолик яратилади. Ҳар бир одамда муайян даражада ўзига хос даҳолик қуввати бўлса-да, кимдадир кўпроқ, кимдадир камроқ, айримларда “Худо ярлакаган” даражада кўзга ташланади. Натижада ҳар бир инсоннинг камолот қуввати ва даҳолик қудрати доирасидаги турмуш тарзи ва ҳаёти шаклланади. “Худо ярлакаган” даҳолар Амир Темури, Навоий, Бедил, Моцарт, Рафаэл, Пушкин, Авраам Линкольн, Шарль де Голль...

Чунончи, юртимиздан “Худо ярлакаган” даҳо-



лосасига, ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш иқтидорига эга бўлиши керак!

Мамлакатимизда бу кўшалоқ, аммо ўта масъулиятли, яъни бир-бирига уйғунлашган атамаларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Инсон ҳар қандай умумқадриятлар даражасига кўтарилган миллий манфаат атрофида онгли равишда ҳамда ақл-идрок ғояси асосида жипслашади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий таъкидига кўра: “Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган жамият ва давлат ютади”.

Шу ўринда бу борада Президентимизнинг эски ғоявий қарашларга нисбатан айтган ва ҳозирги миллий тараққиётимиз равнақи учун ниҳоятда устувор ҳисобланган янги ғоявий тамойилни келтирамиз: **“Биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган “давлат — жамият — инсон” тамойилини ўзгартирдик. Мамлакатимизда аввало, инсон, кейин эса, жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизи-га қўйилди, ҳаётимизда “Давлат — инсонлар учун” деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топиб бормоқда”**. Бу халқчил ғоя ўз моҳиятига кўра, миллий тараққиётимизда инжиლობий ўзгариш ясаб, янги Ўзбекистоннинг таълимотига айланажак!

Дарҳақиқат, инсон — жамиятда биоижтимоий воқелик, шахс эса, ижтимоий ҳодиса. Инсон фақат жамиятдагина шахс бўлиб етишиши ва ўзини тўлақонли равишда этиши мумкин. Шахснинг ўзига хос белгиларидан муҳими унинг ижтимоий мўлжалларга эгалиги ҳисобланади. Ана шу мўлжаллар туфайли жамият тараққиётига катта ҳисса қўшади. Ўз фаолиятда кўпчиликнинг мақсад ва манфаатларини мужассам этади, натижада шахс битта инсон қадрияти доирасидан чиқиб, умуммиллий қадриятга айланади. У айни пайтда даҳолик белгиларини намоён этади. Шу ўринда шахснинг даҳолик қудрати — ақл-заковати, чуқур тафаккур ва мантиқий мушоҳадалари, ноёб ва бетакор юксак салоҳияти, мўъжизавий ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари ҳамда ақл доирасидаги кенг имкониятлари нуқтаи назаридан қарасак, жамият тараққиётига шон-шарафлар келтиради.

Президент Шавкат Мирзиёев инсон ва жамиятга ҳозирги талаб, янги Ўзбекистон стратегияси нуқтаи назаридан шарҳ бераётган экан, Конституция-мизнинг 13-моддасида қайд этилган “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принцип-ларга асосланиди, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳақлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган қоидага амалий жавоб сифатида инсонни биринчи ўринга қўйди. Ёҳуд 14-моддадаги “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”, деган фикр оқ-қора харфлар билан ёзиб қўйилишини, наҳотки, 29 йил деганда англадик?!

Дарвоқе, Президентнинг ушбу очик ва ҳаққоний таъбири унинг ўта новатор ташаббуси бўлиб, стратегик (яъни беш йиллик учун) таълимот сифатида янги Ўзбекистон тараққиётининг бирламчи, айни пайтда ҳал қилувчи вазифасига айланади.

Инсондаги ички руҳий куч-қудрат, рағбат, интилиш ва ҳиссиёт даҳолик куртакларини ривожлантиради. У инсон феноменидаги зарурий асос, истиқболни белгилловчи омил ҳисобланади.

лар озмунча чиқмаган. Биринчи ва иккинчи Ренессанс бунёдкорлари, жадидчилик ҳаракати намоёндалари, XX аср ва XXI аср бошларида кўплаб ёрқин кашфиётчилар, шоиру ёзувчилар — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ғафур Ғуллом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Саид Аҳмад, сўнгги йилларда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Ботир Зокиров, Муҳаммад Юсуф каби истеъдод эгалари етишиб чиқди.

Айнан ушбу ҳол даҳоликда истеъдоддан, иқтидордан ва закий ақлдан бошқа нимадир бор, деган ўйга олиб келади. Истеъдодсиз, иқтидорсиз ижодкорликда даҳолик мақоми кам, аммо ҳамма истеъдод, иқтидор эгалари ҳам даҳо бўлавермайди. Истеъдод даҳолик томон ташланган илк қадам, ҳолос. Жамият аслида иқтидорли ки-шиларнинг кўп бўлишини истаydi. Шунинг учун даҳолар муайян даражада жамият хоҳишига зид тарзда пайдо бўладилар, улардаги қайсарлик ҳам шундандир. Даҳолар азалдан ноёб ҳодиса ҳисобланади, бундан кейин ҳам улар кўп бўлавермайди.

Айтиш жоизки, даҳолик ҳулқи шахс ҳулқининг маънавияти таъсирида такомиллашиб (яъни табиий ҳислатлари қусурдан фазилатга айланиб) борган сари унинг ахлоқий замима ахлоқдан (инсонни худбинлик сари тортувчи тарбия қўрмаган ҳулқдан) ҳамда ахлоққа (маънавий камолот на-тижасида гўзаллашган ҳулққа) айланиб бораверади. Нафс тарбияси маънавий камолот йўли бўлиб, ахлоқи ҳамиданинг шаклланиш йўли ҳамдир. Аммо маънавият фақат нафс тарбиясидан иборат эмас. Маънавият иймон-эътиқоддан бошланади, илм-таълим билан мукаммаллашади, инсон нафс тарбиясига ўтади ҳамда меҳр-маърифати орқали маънавий камолотга эришади. “Ахлоқ — маъна-виятнинг ўзаги” ҳикматининг мазмуни шундаки, инсоннинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқда энг ёрқин шаклда намоён бўлади.

Шундай қилиб, даврлар ўтаверди, замонлар ўзгараверди. Бироқ халқона дунёқараш, инсон ва шахснинг маънавий-руҳий қиёфаси, моҳият ва мазмуни авлоддан-авлодга ўтиб, янги бўёқлар, мўъжизалар касб этган ҳолда ўзгалар эътаверди. Бу боқий ва узлуқсиз жараён янги Ўзбекистон феномени сифатида фуқаро ҳис-туйғулари, ақи-далари ва муносабатлари ҳамда илоҳий-руҳий олами — даҳоликни ўзида ифода этади.

Хуллас, инсон ва шахснинг жамиятдаги ўрни уларнинг муштарак ҳолда фақат инсонга атроф-воқелик ҳамда одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи, унинг маъна-вий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият ва мажбурият туйғусини шакллантириш, кўнгилда атроф-таби-атга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улғу мақсадлар туги-лиши-га эришиш лозим. Ҳар бир инсонда ватан, мил-лат, адолат туйғулари руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисба-тан кўнгилда меҳр уйғониши зарур! Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбат-да, ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгил-дан) ва изчил ёндашув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган ва муваффақиятли амалга ошираётган ислохотлар — яъни янги Ўзбекистон таълимоти бу борада оқилона иш тутилаётганини исботлайди.



ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ АЛЛОМАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига таширфи чоғида Абу Муин Насафийнинг Қарши тумани Қовчин қишлоғидаги қадамжосини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, ушбу масканда кутубхона ташкил этиш ва алломанинг бизгача етиб келган асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш бўйича амалий тавсиялар берган эди.

ИЛМИ НУРЛИ, ҲАЁТИ ИБРАТ БЎЛГАН АЛЛОМА

**Эргаш ДАМИНОВ,
тарих фанлари бўйича
факафа доктори**

2017 йил 15 июнь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишда Президентимиз маънавий мерос масаласига алоҳида тўхталиб: “Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қилаётманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улугʻ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тулиқ ўрганганимиз йўқ. Мисол учун, Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили Абу Муин Насафий бобомиз яшаб ўтганлар. У киши узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, калом илми, яъни исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб ёзганлар. Ана шу китобларида бундан минг йил олдин дин масаласида адашганларга тўғри йўл кўрсатганлар”, дея таъкидлади.

Ушанда Насафий бобомиз зиёратгоҳида муаззам мажмуа барпо этиш, бу каби улугʻ зотларнинг китобларини таржима ва нашр қилиш, кўним толган масканларини обод этиш муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида ҳам сўз борди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида динимиз раънақи йўлида беқисс эсимат қилган буюк эзис-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатаётгани, уларнинг илмий-иходий фаолияти самарасидан халқимиз, айниқса, ёшлар баҳраманд этилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг “Қашқадарёда — Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлаётганки, бу жуда фойдали бўлади. Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади”, деган тақлифи асосида бу ерда ана шу илмий мактаб ўз фаолиятини бошлади.

Насаф шахри тарихидан

Насаф — юртимиздаги қадимий шаҳарлардан. Унинг тарихи ҳақида беназир асарлар ёзган олим П.Равшанов ушбу шаҳарнинг аввалги номи Нахшаб — Назшаб (“сув бўйидаги жой”) бўлганини келтиради. Бундан Насаф дарё ёқасида пайдо бўлиб, шунга мувофиқ номлангани маълум бўлади. Аслида бу жиҳат кўплаб улкан шаҳарларга хос. VIII асрга келиб “Нахшаб” ўрнида “Насаф” истилоҳи истезмоҳқа кириб, кейинги даврларда ҳам бу ном узоқ муддат сақланиб қолган.

XIV аср бошларидан “Нахшаб” ёки “Насаф” номи ўрнига “Қарши” атамаси қўллана бошланди. Мўғулларнинг Чигатой турувидан бўлган Келпагон қурдирган сарой мўғулчада “қарши” деб аталган. Мазкур сарой Насаф шахрининг ўрни — Шулулқутпадан шарқда, ҳозирги эски шаҳар ҳудудида бўлган. IX-XII асрлар — биринчи Ренессанс даврида Насаф ўрта Осиёдаги тўртта асосий ҳадисшунослик марказларидан бири ҳисобланган.

Бу жойдан узоқлаб, минглаб олимлар етишиб чиққан. Улар қаторида Мақхул Насафий, Нахмиддин Насафий, Шаҳобиддин Насафий ва Мустафийрий Насафий каби ҳам диний, ҳам дунёвий илмларда беназир бўлган кўплаб алломаларни зикр этиш мумкин. Олим Мустафийрий Қашқадарё воҳасида биргина VIII-IX асрда ашаган 43 та шoir ва олим ҳақида маълумот беради.



Мотуридийлик таълимоти ва Насаф

Мотуридийлик таълимоти Самарқандда вужудга келган. Аммо насафлик Абу Муин Насафий сазъ-ҳаракатлари билан кенг миқёсда танилди, ривожлантирилди ва 20 га яқин мамлакатда умумқўраб қилинди. Насафий калом илмининг мустақил фан сифатида ривожланиши, ислом дунёсида мотуридия таълимотининг кенг тарқалиши йўлида қилган улкан хизмати билан алоҳида ажралиб туради.

Аллома қолдирган илмий мерос нафақат ўз замонаси, балки турли оқимлар, фикрлар ўз бўзғунчи гоё ва мақсадларини давом эттираётган ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Бундан ташқари, Абу Муин Насафийнинг калом илмига оид мероси манбашунослик, исломшунослик, ўрта асрларда шаклланган оқимлар тарихи бўйича муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, бутун дунёда, хусусан, мамлакатимизда кузатилаётган замонавий кўринишдаги диний ақидапарастликнинг турли шакллари ва уларнинг гоёвий-назарий ҳамда тарихий илдишларини юртимиздан етишиб чиққан Абу Муин Насафий каби олимларнинг асарлари асосида тадқиқ этиш ҳозирги давр талабидир.

Абу Муин Насафий мероси диний мутаассибликка қарши курашнинг маърифий асосларини илмий-назарий жиҳатдан асослашда ҳам муҳим методологик асос сифатида хизмат қилади. Кези келганда айтиш кераки, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий мероснинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини ҳис қилган ҳолда, уларни тўғри йўналтиришни бугунги куннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Абу Муин Насафийнинг калом илмига оид фикрларига асосланган ҳолда, жамият аъзолари орасида ақидавий масалаларда



пайдо бўлган турли тушунмовчиликларга барҳам бериш, ҳар хил адашган гуруҳларнинг нотўғри, чалгитувчи ақидаларини аниқлаш, уларга қарши куралиш йўллари нишлаб чиқиш мумкин. Шу билан бирга, унинг асосли мулоҳазалари қонуний — конституцион тузумга қарши гуруҳларга нисбатан гоёвий қурол ҳамдир.

Ақида илмида беназир аллома

Абу Муин Насафий (1027-1114) мотуридия ақидавий таълимотини дунёга танитиш, унинг қарашларини ривожлантириш билан бир қаторда, Қуръон ва суннатга асосланган мустақил қарашларга ҳам эга эди. У кези келганда Ироқда аҳли сунна доирасида мотуридийлик билан бир вақтда вужудга келиб, унга айрим қарашларда жузъий ихтилоф қилган ашъарийларга ҳам ўринли раддиялар берган. Шу орқали юртимиз илмлар ватани, аждодларимиз ҳаққий ва ишончли алломалар бўлганини илмий исботлаган.

Насафий, шунингдек, асарлари орқали асосан ўрта асрларда ёлгон, вайронкор қарашлари билан танилган адашган оқимларга қарши курашган. Шу орқали бу тоифалардан таъсирланган, гоёларини ўзлаштирган замонавий деиструктив тўдаларга куралиш йўллари кўрсатиб берган. Бу оқимлар фаолияти янглик эмас ва аввалдан бўлгани, уларнинг нотўғри ақидаси турли замонларда ўзгача кўриниш касб этиб, бизгача етиб келгани биланми манбалар воситасида асосланган.

Абу Муин Насафий мотуридия таълимотини ривожлантириш, Имом Мотуридий фикрларини тарғибу ташвиқ қилиш билан бир қаторда, калом илмининг муҳим масалалари бўйича ўз нуқтаи назарига ҳам эга

эдики, бу унинг бизгача етиб келган асарларида ўз аксини толган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Буюк тарихда ҳеч нараса изсиз кетмайди. У халқларнинг қониди, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”. Демак, буюк аждодларимиз илмий мероси биз учун маёқ — минордир. Уларнинг маънавий жасорати асло унутилмайди.

Насафийнинг бобоси, ўз даврининг таниқли олими ва шу билан бирга, насафийлар сулопасининг сардори Мақхул Абу Фазл Насафийдан бошлаб, унинг оиласидагилар фикр илми соҳасида ханафийлик маъзабининг асосчиси Имом Абу Ҳанифа таълимотиго таяниб, унга оғишмай амал қилганлар.

Олимнинг қабри Қарши шахри яқинидаги Қовчин қишлоғида жойлашган. Шу қишлоқдаги масжид ҳам Абу Муин номига қўйилган, аммо вақтлар ўтиши билан аталишда оддий аҳоли тилида бироз ўзгаришлар бўлган ва у табаррук жой Муин ота номи билан машҳур. Ота атамаси, одатда, тариқат пешволарига нисбатан қўланади. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, Абу Муин Насафий халқ томонидан пир, илмий раҳнамо сифатида ҳам юксак қадрланган.

Езма манбаларда имом Абу Муин Насафийнинг илмий ютуқлари натижаси ўлароқ қуйидаги лақаблари учрайди: Имоми фозил (*фозил аллома*), Жомул усул (*усул илмини тўла эгаллаган олим*), Сайфул ҳақ (*ҳақиқат қиличи*), Ал-Имомуз зоҳид (*тақводор олим*), Ал-Фақиҳул ханафий (*ханафийлик фикри билмидони*), Ал-Олимул борӣ (*буюк асарлар яратган аллома*).

Бу шарафли номлар Насафийнинг илму

маърифатда беназирлиги туфайлидир. Шунингдек, унга “Ал-Фақиҳул ханафий” нисбаси берилганидан Насафийнинг ханафийлик фикри (хуқуқшунослиги)да замондош олимлари эътибори ва эътирофига сазовор бўладиган даражада етуқликка эришгани ҳам маълум бўлади. Бироқ, ўз даврининг аксар олимлари ушбу сулола вакиллари Абу Ҳанифа фикри бўйича таянч эдилар.

Мақхулий Насафийлар ханафийлик фикрига тўла амал қилиб, уни авлоддан-авлодга ривоят қилдилар. Шу тарика ханафийлик маъзабининг Мовароуннаҳр минтақаси, хусусан, Насаф, Кеш ва Самарқандда кенг тарқалишида муносиб ҳисса қўшдилар. Абу Муин Насафийнинг бизгача етиб келган барча асарлари ақида, яъни калом илмига оид.

Ўтган асрлар давомида ушбу асарлар калом илмида муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келган. Алломанинг ўз соҳасида қилчдек кескир бўлгани унинг номида ҳам акс этган. Айнан Насафий каби олимларнинг сазъ-ҳаракатлари туфайли кейинги бир неча асрларда минтақда дин доирасида ихтилофлар кузатилмаган.

Абу Муин Насафийнинг илмий мероси

Олимлар Насафийнинг 15 та асар ёзганини кўрсатганлар. Улар орасида бизгача етиб келганлари “Табсиратул адилла”, “Ат-Тамҳид ли қавоидит таъҳид” ва “Баҳрул калом”дир. “Табсиратул адилла” — “Табсиратул адилла фи усули дин ала тариқат Абу Мансур Мотуридий” (“Дин усуллари (асослари)ни Абу Мансур Мотуридий услуби асосида далиллар билан шарҳлаш”) Абу Муин Насафийнинг энг йирик асари ҳисобланади.



Шу боис, Абу Муин Насафий “Соҳибут табсир” (*“Табсиратул адилла” асарининг муаллифи*) нисбаси билан шўҳрат қозongan. Бу асарда калом илмининг турли масалалари атрофлича шарҳланиб, улардаги муаммоли, мунозарали фикрлар ушбу илмининг буюк алломаси Абу Мансур Мотуридийнинг қарашларига асосланган ҳолда ислоҳ қилинади.

“Ат-Тамҳид” — “Ат-Тамҳид ли қавоидит таъҳид” (*“Таъҳид қоидаларига муқаддима”*) дин асослари, калом илмига оид муҳим масалалар ҳақида. Бу асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида Насафий бундай дейди: “Раҳбарлик ва сиёсатнинг энг юқори даражасига қўтарилишга муюсар бўлган кишилар аҳл ус-сунна вал жамоанинг ўтган сафалари ва машоъхлари ақидаси ҳақида китоб ёзишми ҳамда таъҳид илми хусусидаги йўл-йўриқларни баён қилишми илтимос қилдилар. Шунга биноан, ушбу китобни ёздим.

Мен масалаларни ёритишда, энг аввало, бефарқ қараш мумкин бўлмаган ўта зарурий нарсаларни эътиборга олдим. Таъсодифий ҳар қандай хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилдим. Барча масалаларнинг тадбирини қуришда тўғри йўл тутдим ва ҳар бир масала зикрида ноёб ибораларни қўладим”.

Бу ўринда “бефарқ қараш мумкин бўлмаган”, “таъсодифий хатолар”, “ноёб иборалар” жумлалари эътиборга муносиб. Аллома ақида доирасидаги масалаларга жиддий ёндашиш шарт эканини, қутилмаган ўринлардаги йўл қўйилган биргина хато имонга зарар етказиши мумкинлигини таъкидламоқда.

У шундай муҳим масалалар таҳлилида бошқалар учун тушуниш мушкул бўлган сўз ва ибораларни ноёб, нодир, халқчил, ажиб тушунтиргани, у барча учун маъносини аниқ матнга айлган.

“Баҳрул калом фи илмил калом” (*“Калом илмига оид сўзлар денгизи”*) — Абу Муин Насафий ижодининг гултоғи. Унда олимнинг бошқа асарларида учрамайдиган ва калом илмида энг муҳим саналган долзарб мавзвлар содда ва халқчил тилда изчил таҳлил қилинган.

Бу уч асарнинг умумийлиги қуйидаги жиҳатларда кўринади: 1. Улар мотуридийлик ақидавий маъзаби гоёларини кенг миқёсда тарғибу ва ташвиқ қилиш мақсидида ёзилган. Насафий шу мақсад баъзан муайян масалаларда фикр қилиб, ўз фикрининг исботи сифатида Имом Мотуридий қарашларини ҳам келтиради ва буюк мутақаллимга юксак ҳурматиини кўрсатади. Насафий айрим ўринларда “биз” деганда “мотуридийлар”ни назарда тутди.

2. Уларда асосий диққат-эътибор инкор этилган ботил фикрлар қарашларига раддиялар беришга қаратилган.

3. Калом илмидаги айрим масалалар ҳар учалла асарда шаклан тақдорланган. Аммо мазмун жиҳатидан кескин фарқланган. “Табсиратул адилла” — қумусий асар. Унда масалаларнинг асл келиб чиқиши, у ҳақда фикр юритган оқим ва фикрлар, шунингдек, файласуфлар ва материалистларнинг ҳам фикрлари келтирилди. Шундан сўнг муаллифнинг ҳулосавий позицияси баён этилади.

Кейинги икки асарда эса, мана шу масаланинг бошқаларида тақдорланмаган кирралар очиб берилди. Уларда калом илмидаги муайян масаланинг турли жиҳатлари таҳлил этилгани боис, фикрлар тақдор келмагани аён бўлади. Бундан ҳар бир асар калом илми бўйича мустақил манба экани исботланади.

4. Насафий келтирган барча далиллар мотуридийлик эътиқодий маъзаби қарашларига асосланган. Аммо баъзан муаллиф муайян масала юзасидан шахсий фикрларини ҳам баён этади.

Масалан, имон масаласида Имом Мотуридий қарашларига ҳамоҳанг фикр юритиб, охирида ўз нуқтаи назарини ифодаловчи бир нечта ақий дилиллар келтирган. Шу

нингдек, мазкур асарлар муайян фарқли жиҳатларга ҳам эга. Жумладан, улар, аввало, буюк ҳажм жиҳатидан турлича. “Табсиратул адилла” тилининг мураккаблиги, масалалар баёнида кенг қамровлилиги, муаммоларнинг чуқур таҳлил этилгани билан ажралиб туради. “Тамҳид” тили ва муҳим масалаларни қамраш жиҳати билан жозибали. Унда муайян масаланинг асл мазмун-моҳиятига эътибор қаратилади ва ўқувчи учун муҳим саналган масалалар алоҳида таҳлил қилинади. Барча асарларда муътазилия фикраси қарашларига раддия бериш устуворлиги қилса-да, ўрни билан кўпдан-кўп адашган тоифаларга ҳам танқидий фикрлар келтирилган.

Эътиборлиси, ушбу оқимларнинг асарияти ҳатто Абу Фазл Насафийнинг 73 та адашган оқимга раддия тарзида ёзилган “Китобур радд” (*“Раддиялар қатоби”*) асарида ҳам учрамайди. Бу эса, табиийки, мазкур фикрлар нисбатан кейинроқ, яъни тахминан X-XI асрларда вужудга келган, деган ҳулоса чиқариш учун асос бўлади.

Абу Муин Насафий мероси ва мустақиллик

Юртимиз доврўғини дунёга таратган Абу Муин Насафийнинг илмий-маънавий мероси бўйича талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Табсиратул адилла”, “Ат-Тамҳид ли қавоидит таъҳид”, “Баҳрул калом” ўзбек тилига таржима қилинди. Тадқиқотлар амалга оширилиб, бир қанча асарлар яратилди. Мероси асосида “Ҳақиқат қиличи” номли ҳужжатли фильм суратга олинди.

Алломанинг қабри жойлашган Қовчин қишлоғи обод қилиниб, унинг мақбараси батамом қайта бунёд этилди. Бунда Қашқадарё воҳасига, хусусан, Абу Муин Насафий зиёратгоҳига оид археологик топилмалар тадқиқ қилиниб, айримлари асл ҳолатида тикланди. Буларнинг барчаси мажмуа таркибиди таъшиқ этилган музей экспонатлари ҳамда нақшу нигорлариди акс эттирилди.

Ҳозир Президентимизнинг 2021 йил октябрь ойида Абу Муин Насафий зиёратгоҳига таширфи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсидида Қарши давлат университетини ҳузуриди Насаф ва Кеш олимлари меросини тадқиқ қилдиган илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган. Келажакда ҳам ушбу масканнинг хорижлик сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари, айниқса, ёшларнинг илмий-маънавий, диний-маърифий, тарихий дунёқарашини бойитишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ислом мазмун-моҳиятини тўғри англаш, уни тушуниш, тушунтириш, тарғибу қилиш, софлигини сақлаш борасида баҳс-мунозара ва тортишувлар, ҳатто қон тўкилишлар содир бўлган. Бу жаҳонда дин соҳасида ҳам гоёвий курашлар кескин давом этганидан далолат беради.

Шу нуктаи назардан мутафаккирларимизнинг бой илмий-маънавий, маърифий ва амалий меросини бугунги кун эътиҳоларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ, таҳлил ва тарғибу этиш энг долзарб аҳамиятга эга масалалардан ҳисобланади. Абу Муин Насафий мотуридийликнинг ривожланиши, умумислом маъзаби айланшида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Насафий инсон табиатининг ноқислик белгиларидан келиб чиқиб, ҳар бир кишини илмларни эгаллашга, шу орқали қомилликка интилишга қажирди. Илмни жонга қиёс қилди. Унинг “илм жаҳвҳариди” — “илм ҳар бир нарсанинг асоси, ядроси, юраги” деган гоёси замонлар оша долзарб бўлиб, инсонларни фойдали илмларни эгаллашга даъват қилиб қолверди.

Ҳақиқатан, илмсиз тараққиёт йўқ. Буни тўғри англаш, ҳаётий шиорга айлантириш айна манфаатдир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98

Котибият: (0-371) 233-56-60

Эълолар: (0-371) 233-57-15

E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3555.

76042 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмохонасида чоп этилди.
Босмохона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмохона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳис: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 22:20 Топширилди — 23:25